

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељагаги  
бўйқ  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 14 октябрь, № 199 (5114)

Пайшанба

## ЎЗБЕК ПАХТАСИНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Аввал хабар қилинганидек, кеча Тошкент шаҳрида VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ўз фаолиятини бошлади.



Нега деганда, мазкур йирик форум дунё саноатчиларига ўзбек толасини воситачиларсиз, тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш имконини яратиб берди. Шу боис унга бўлган қизиқиш йил сайин ошиб, халқаро миқёсда ярмарканинг мавқеи янада ортмоқда. Бу галги тадбирда жаҳоннинг 34 мамлакатидан 300 дан зиёд компаниялар ва 500 дан ортиқ хорижий ҳамкорлар иштирок этаётгани бунинг ёрқин далилидир. VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг очилиш маросимида таъкидланганидек,

жаҳон пахта бозоридаги кескин рақобат ўзбек толаси савдосига салбий таъсирини кўрсатаётгани йўқ. Аксинча, унга бўлган талаб тобора ортмоқда. Ўзбекистон дунёда пахта экспорти бўйича учинчи ўринни банд этиб тургани, ярмарка доирасида ҳар йили катта ҳажмда тола савдоси бўйича шартномалар имзоланаётгани шундай дейишимизга тўла асос бўла олади. Маълумки, мамлакатимиз жаҳонда пахтачилик билан шуғулланадиган давлатлар орасида энг шимолӣ минтақада жойлашган.

Шундай бўлса-да, бу ерда тўқимачилик тармоғида эҳтиёж низоюта катта бўлган саноатбоп, яъни тола чиқиши юқори, олпоқ рангли хом ашё тайёрланмоқда. Шубҳасиз, бу Президентимиз раҳнамолигида ўзга селекцияси, пахта етиштириш, уни қайта ишлаш, сотиш ва етказиб бериш бўйича тизимли ислохотларнинг изчил амалга оширилиши шарафатидир. Дарҳақиқат, мустақилликнинг илк йилларидаёқ селекциячи олимлар олдига эртапишар ва серҳосил, турли касаллик ҳамда

зараркундаларга бардошли ўзга навларини яратишдек устувор вазифа қўйилган эди. Бунинг натижасида шундай хусусиятларни мўҳасам этган, иқлим шароитимизга мос ўнлаб янги ўзга навлари яратилди. Бугунги кунда уллар асосий майдонларда етиштирилиб, бутунлай замонавийлаштирилган корхоналарда қайта ишланаётгани, пировадидида сифат кўрсаткичлари жиҳатидан рақобатбардош тола олишга эришилмоқда.



Мазкур нуфузли тадбир Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан "Ўзпахтасаноат" уюшмаси ҳамда "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази кўмағида ташкил этилди. Халқаро экспертларнинг эътирофи этишича, сўнгги йилларда Ўзбекистон жаҳон пахта бозорининг марказларидан бирига айланмоқда. Бунда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан илк бор 2005 йилда ташкил этилиб, сўнгга аънава тусини олган, таъбир жоиз бўлса, ўзбек пахтасининг жаҳоний бозорига айланган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг аҳамияти, айниқса, беқиёс.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар,  
янгиликлар,  
хабарлар

НАМАНГАН. "Карбонам" масъулияти чекланган жамиятида нефть ва газ саноатида кенг қўлланиладиган техник карбоксиметилцеллюлоза ва гумин ишқорли реагент ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

### Маҳаллийлаштириш дастури доирасида

Шу пайтгача бу турдаги маҳсулотлар мамлакатимизга хориждан келтирилган эди. Таъкидлаш кераки, корхонада Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган бир қатор лойиҳалар туфайли 1 миллион 240 минг АҚШ долларлик валюта тежаб қўлинди. Ишлаб чиқариш ҳажми эса 40 фоизга ортди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ. Муборак шаҳридаги "Саратон" кўп тармоқли хусусий корхонасида ёғоч ва металл бадний безак бериш ҳамда турли ўлчамдаги рангли реклама маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

### Кредит берган самара

Бунинг учун корхонага ўз маблағи ҳамда банкдан олинган кредит ҳисобига хориждан 82 миллион сўмлик замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Янги технология фойдаланишга топширилиши эвазига бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробарга ортди.

Таъкидлаш кераки, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун 4,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Ф. БОЗОРОВ.

САМАРҚАНД шаҳридаги "Яшам Эр Капкан" кўшма корхонасида янги қувватларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 30 фоизга ошди.

### Янги қувватлар, кўшимча имкониятлар

Хусусан, корхона томонидан жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида ички бозорга 426 минг квадрат метр ҳажмдаги гилам ва гилам маҳсулотлари чиқарилди.

Ҳозир корхона маъмурияти хориждан 608 минг АҚШ долларлик янги технология олиб келиш бўйича шартномалар имзолади. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан ишлаб чиқариш ҳажми икки баробар ортиб, маҳсулот сифати янада яхшиланади.

А. САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАРФОНА. Дангара тумани "Матлуботсавдо" акциядорлик жамияти томонидан Тўлабой, Қумқияли, Урганжи каби чекка қишлоқларда 17 та савдо шохбаси фаолият йўлга қўйилди.

### Чекка ҳудудлар аҳолисига қулайлик

Ушбу шохбасларда сотилаётган 250 хилга яқин озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари, асосан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ушбу мақсадлар учун жамият томонидан қарийб 250 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Н. СОБИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Сўз — ярмарка иштирокчиларига

Тошкентда 13 октябрь куни VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси очилди. ЎЗА мухбирлари ярмарканинг айрим хорижий иштирокчилари билан суҳбатда бўлди.

### ДОВРУҒИ БАЛАНД, СИФАТИ ЮҚОРИ

Раис УСТАДХОН, "Негави UK" компанияси бош менежери (Англия): — Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида биринчи марта иштирок этаялман. Довруғи дунёда машҳур ўзбек пахта толасидан 10 минг тонна сотиб олиш бўйича шартнома тузиш ниятидамиз. Ўзбек пахтаси халқаро андозаларга тўлиқ жавоб беради. У юқори сифати, пишиқлиги билан ажралади. Шу боис Ўзбекистон пахтасининг жаҳон бозоридаги мавқеи йил сайин ортиб бораётир.

Муҳаммад Абдул РАҲИМ, "DBL" компанияси директори (Бангладеш): — Ўзбекистон билан Бангладеш ўртасида пахтачилик соҳасидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистонлик пахта етказиб берувчилар билан бевосита алоқа ўрнатилишдан фойда манфаатдоримиз. Ўзбек пахтасининг сифати аъло даражада. Шу боис Бангладешда ўзбек пахтачиси талаб йил сайин ошмоқда. Анжуман юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Иштирокчилар ўзбек пахтасининг юқори сифатини таъминловчи омирлар билан танишиш, фикр ва таъриба алмашиш имконига эга. Ушбу аънаваный ярмарка нафақат Ўзбекистон иқтисодиётини тараққий эттиришига, балки жаҳон пахта савдосини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшади.

Муҳаммад ФАРФОНИЙ, "Parsvadi" компанияси бош директори (Эрон): — Эронда Ўзбекистон пахта бозорига қизиқиш катта. Компаниямиз пахта савдоси билан шуғулланади. Ортингизда пахтачилик жадал ривожланиб бормоқда. Ушбу ярмарка мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозорига энг етакчи ўринлардан бирида туришини яна бир бор тасдиқлади. Ўзбек пахтаси Эрон саноати талабларига тўла жавоб беради. Мамлакатларимизнинг журғофий яқинлиги пахта етказиб бериш ишларини осонлаштиради ва савдо алоқаларимиз янада ривожланишига хизмат қилади. Ярмаркага 80-90 минг тонна пахта толаси харид қилиш ниятида келдик.

(Давоми 2-бетда).

## «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ» — МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИНИ БОЙИТУВЧИ ВА РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ҚОМУСИЙ АСАРДИР»

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари жаҳоннинг илғор ижтимоий доираларида улкан қизиқишлар уйғонишига сабаб бўлмоқда. Яқинда Қатар университетиде ушбу китобнинг араб тилидаги нашри тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимот маросимида Қатар давлатининг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлилий доиралари вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари — сиёсатшунос ва тарихчи олимлар, талабалар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, Қатар университети 1973 йилда ташкил топган бўлиб, араб ва Шарқ давлатлари орасида энг нуфузли илмий тадқиқот ва маърифий олий билим даргоҳларидан бири саналади. Университетда 7 та — менежмент ва иқтисодиёт, адабиёт, шарият ва ислом тадқиқотлари, педагогика, фармацевтика, политехника ҳамда ҳуқуқшунослик факультетлари фаолият кўрсатади. Бугунги кунда университетнинг педагогик

жамоаси 700 нафардан зиёд бўлиб, мазкур билим даргоҳида 60 та мутахассислик бўйича 40 минг нафарга яқин талабалар таҳсил олишади. Тадбирни очар экан, университет вице-президенти, доктор Шайха Жобир Жосим ал-Тоний "Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг ушбу асари тақдими мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий, маданий, маърифий ва маънавий ривожланиши билан яқиндан танишиш имкониятини беради ҳамда икки томонлама ҳамкорликнинг жадал тарзда кенгайтиши йўлида яна бир илҳомий қадам бўлади", дея таъкидлади.

Унинг фикрига кўра, миллат маънавиятини бойитувчи ва ривожлантирувчи қомусий китоб деб аташ мумкин бўлган мазкур асарда, унда муҳомама этилган масалалар қамровига кўра, мамлакат раҳбарининг кўп қиррали билимларга эга экани ўз аксини топган. Асарни мутолаа қилар экансиз, нафақат мамлакат халқининг мустақилликка эришганидан сўнг кечаётган бугунги ҳаёти, миллий ўзини ўзи англаш ва ахлоқий қадриятлари борасидаги энг муҳим масалалари билан, балки унинг қўллаб аслар давомида шаклланган тарихи, маданияти ва маънавияти билан танишиш мумкин.

— Асарда катнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий, маданий, маърифий ва маънавий ривожланиши билан яқиндан танишиш имкониятини беради ҳамда икки томонлама ҳамкорликнинг жадал тарзда кенгайтиши йўлида яна бир илҳомий қадам бўлади", дея таъкидлади.

Унинг фикрига кўра, миллат маънавиятини бойитувчи ва ривожлантирувчи қомусий китоб деб аташ мумкин бўлган мазкур асарда, унда муҳомама этилган масалалар қамровига кўра, мамлакат раҳбарининг кўп қиррали билимларга эга экани ўз аксини топган. Асарни мутолаа қилар экансиз, нафақат мамлакат халқининг мустақилликка эришганидан сўнг кечаётган бугунги ҳаёти, миллий ўзини ўзи англаш ва ахлоқий қадриятлари борасидаги энг муҳим масалалари билан, балки унинг қўллаб аслар давомида шаклланган тарихи, маданияти ва маънавияти билан танишиш мумкин.

«Art Week Style.uz — 2010» ҳафталиги маънавияти ва мода йўналишидаги "Art Week Style.uz — 2010" ҳафталиги маънавияти ва мода йўналишидаги Кеча Миллий санъат марказида мазкур ҳафталик доирасида Миллий либослар фестивали ўтказилди.

Мазкур тадбир мода ҳафталигининг энг йирик намоёнларидан бири бўлиб, унда замонавий ўзбек фэйшн саноатининг ўзига хос қирраларини намоён этиш аънава тусини олмақда.

Негаки, фестивалга тақдим этилган ижод намуналарида ҳар бир ҳудуднинг бир-бирига ўхшамаган урф-одат ва аънавалари ўз ифодасини топганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

— Миллий йўналишида ижод қилиш

## МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРИМИЗ ЖОЗИБАСИ

Пойтахтимизда маданият, санъат ва мода йўналишидаги "Art Week Style.uz — 2010" ҳафталиги маънавияти ва мода йўналишидаги Кеча Миллий санъат марказида мазкур ҳафталик доирасида Миллий либослар фестивали ўтказилди.

Мазкур тадбир мода ҳафталигининг энг йирик намоёнларидан бири бўлиб, унда замонавий ўзбек фэйшн саноатининг ўзига хос қирраларини намоён этиш аънава тусини олмақда.

Негаки, фестивалга тақдим этилган ижод намуналарида ҳар бир ҳудуднинг бир-бирига ўхшамаган урф-одат ва аънавалари ўз ифодасини топганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Биз каби ёш дизайнерларнинг зиммасига алоҳида масъулият юклайди, — дейди "Art Week Style.uz — 2010" ҳафталиги иштирокчиси Дилдора Қосимова. — Негаки, яратаятган либосларимизда миллий қадриятларимиз ўз аксини топиши, энг муҳими, замонавий мода талабларига бери-

«Art Week Style.uz — 2010» либ, ўз кийиниш маданиятимизга қусур етказиб қўймаслигимиз керак эди. Ўзим ҳам тикан либосларимизда шарқона ўзига хосликка, ҳаё ва андишага уйғун жиҳатларга урғу беришни хуш кўраман. Зеро, миллий либосларимизнинг бетақор ху-

сусиятлари билан ҳар қанча фаҳрлансак, арзийди.

Дарҳақиқат, фестивалда иштирок этган ижодий ишлар муаллифлари мамлакатимиз вилоятларининг ўзига хос кийиниш маданиятини намоён этиш билан бир қаторда, ушбу либосларга замонавий тус беришга ҳам муваффақ бўлганлар.

— Ўзбек миллий либосларининг чуқур рам-

зий маънога эга эканлиги, рангларидеги табиий жозоба мени ўзига мафтун этди, — дейди япониялик таниқли дизайнер Чисато Цумори. — Хонатлас, адрас, олча ва бекасам сингари матолардан тикилган миллийлик ҳамда замонавий рух

уйғунлигидаги бетақор либосларга чинакам санъат асари, дея баҳо бериш мумкин. Шунинг ҳам алоҳида эътироф этишни истардимки, ўзбекистонлик ёш дизайнерлар ижоди билан танишиш, уларнинг миллий матолар тарихи, ипақ газламаларнинг тарихий тузилиши ва ўзига хос хусусиятларини чуқур тадқиқ этганликларига гувоҳ бўлдим. Бу чинакам маҳоратдан дарақдир.

Фестиваль доирасида тўқувчилик ва тикувчилик санъати усталарига махсус грантлар ажратилди. Шундан сўнг иштирокчиларнинг ижодий ишлари махсус номинациялар бўйича баҳолили, эътирофга арзиғулик тўпламлар муаллифларига қимматбаҳо совринлар топширилди.

Муборак ОХУНОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ» – МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИНИ БОЙИТУВЧИ ВА РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ҚОМУСИЙ АСАРДИР»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ёшларнинг онгида ва қалбида соғлом турмуш тарзини, умумий қадриятларга ҳурмат ҳиссини уйғотиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, умумбашарий тан олинган маънавий-руҳий анъаналарни шакллантириш зарурлиги ҳақида муаллиф билдирган мулоҳазалар юксак баҳога муносибдир», дея қайд этди у.

Қатарлик профессор «Муаллиф мамлакат келажигининг гуллаб-яшнаши маънавий қадриятларни тиклаш, бой тарихий меросни тадқиқ этиш, анъанавий урф-одатларни сақлаш, маданият, санъат, илм-фан, таълим ва энг асосийси, ижтимоий тафаккурни ўзгартириш ҳамда юксалтиришни ривожлантириш билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратадики, бу муҳим аҳамият касб этади», дея таъкидлади.

«Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов томонидан мамлакатда демократик ҳуқуқий ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида олиб борилган савий-харакатлар юксак эътиборга сазовор ва уларни қайд этишдан ўтиш мушкул. Мамлакат тараққийотидаги иқтисодий кўрсаткичлар глобал молиявий-иқтисодий инқироз шaroитида нафақат ривожланишнинг илгариги суратлари сақлаб қолганини, балки унинг ўсиши таъминлангани билан эътиборга молик. Нисбатан қисқа тарихий давр ичида мамлакатда барча йўналишлар бўйича ўсиш кўрсаткичлари кузатилди», деди ўз маърузасида профессор Ойша Юсуф ал-Манани.

«Юксак маънавият — энгилмас куч» асари китобининг Президент Ислоҳ Каримов томонидан мустақил йилларида олиб борилган сиёсатнинг устувор йўналишлари билан таништиради, — дея таъкидлади Илоҳ таоло ҳақидаги асарнинг фахрли муносабатлари кафедраси мудири, доктор Али ал-Муҳаммадий. — Вазият шунки тақозо этадики, ҳозирги кунда мамлакат раҳбарлари асосий эътиборларини молия ва иқтисодиёт масалаларига қаратишди. Ўз чикшилари, мақолалари, тўплам ва китобларини уларга бағишлайди. Лекин халқаро микёсда йирик молия ишлари олими ва иқтисодчи бўлишига қарамастан, Президент Илоҳ Каримов нафақат ушбу йўналишлар, балки маданият, маънавият ва ахлоқ каби масалаларга ҳам катта эътибор қаратишни ўз бурчи», деб «йилади». Мен ўз тажрибамда бирон бир мамлакат раҳбарининг ушбу мавзуга бағишлаган бу қадар мукамал асар ёзганини эслолмаймаман. Бу муаллифдан кенг дунёқарашга, миллат ривожининг тарихи, унинг маънавий қадриятлари борасида чуқур билимга эга бўлишни ҳамда ёшлар билан ишлаш бўйича юксак педагогик маҳоратни талаб этади.

Доктор Али ал-Муҳаммадийнинг фикрига кўра, Президент Илоҳ Каримовнинг ушбу асарини мутолаа қилиш инсоният жаҳон тарихида сезиларли из қолдирган Мовароуннахрнинг қадимги буюк цивилизацияси билан ақнидан танишишга имконият беради. Ушбу ўлкадан етишиб чиққан Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотурийдӣ, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий сингари қомусий аллома-лар илм-фан соҳасининг жуда кўплаб йўналишларига ўларнинг мисли қўрилмаган ҳиссаларини қўшишган ва мусулмон олимнинг ифтихорларига айланган. «Уларнинг номларини ва меросларини тиклаш, қабрларини аниқлаш ҳамда зияратгоҳларга айлан-тириш, бу — ислом олимлари асрлар да-вомида озриқиб кутган тарихий вази-фадир. Ушбу ҳақиқат юксак баҳога му-

носибдир. У тарих зарварларига ёзилади ва Ўзбекистон Республика-сининг биринчи Президенти Илоҳ Каримов номи билан бевосита боғланади», деди доктор Али ал-Муҳаммадий.

Ўзбекистон Президенти Илоҳ Каримовнинг китоби тақдими Қатар мамлақати омавий ахборот восита-ларида кенг ёритилди. «Ал-Араб», «ал-Ватан», «ал-Рая», «аш-Шарқ», «The Peninsula», «Gulf Times» ва араб ҳамда инглиз тилида нашр этиладиган бош-қа етиштирилган «Юксак маъна-вият — энгилмас куч», «Қатар уни-верситети китоб нашрини тантанали ни-шонлади», «Юксак маънавият — энгил-мас куч» китоби Қатар университетига совға қилинди», «Университет Ўзбе-кистон Президенти китобини қабул қилди» каби сарлавҳалар билан кўплаб мақолалар чоп этилди.

«Аш-Шарқ» газетасида чоп этил-ган мақола муаллифи Айман Сакр-нинг таъкидлашича, «Юксак маъна-вият — энгилмас куч» китоби, жаҳон иқти-содиёти глобаллашиб бораётган, хусусан, Европа мамлақатларида ку-затилаётган маданий-ахборот инқиро-зи шaroитида Ўзбекистоннинг тарихи ва бутунги ҳаёти, шунингдек, барча жамиятларнинг маданий-маънавий ри-вожланишнинг муҳимлигига оид бой маълумотлари ўзида муҳасам этган-дир. Унинг фикрича, Муҳаммад пай-ғамбарга ва Илоҳ динига қарши чи-қишлар шундан яққол дарак беради. «Бу биздан қатъий қоралар қўришни, хусусан, муқаддас ислом динимизни ҳимоя қилиш, маданиятимиз, маъна-вий ҳаётимиз ва ўсиб келаётган ёш авлодни салбий таъсирлардан асраш, шунингдек бу каби ҳуружларга қатъий қарши туришни талаб этади», деб ёзади А. Сакр.

«Аш-Шарқ» газетаси Ўзбекистон Президенти Илоҳ Каримов асарини Қатар университетидида тақди-моти тўғрисидаги мавзун давом эт-тирган экан, Ўзбекистон тарихи ва бу заминда яшаб ўтган ақдоқларнинг ин-соният тамаддунига қўшган ҳиссаси ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий ва маданий жиҳатдан қомил инсон этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этишига уру беради. «Айнан ушбу ав-лод мамлакатларимизнинг келгуси тақдирини белгилайди. Шу босиб биз барча савий-харакатларимизни ёшларимиз ўз мамлақати тарихини мукам-ал билишига, асрлар мобайнида амалга оширилган шонли ишлар тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлишларига ва уларнинг қалбида ўз Ватанига нисбатан фахру ифтихор туйғусини янада мустаҳкамлашга қаратмоғимиз лозим», дея таъкидла-нади нашрада.

Ўзбекистон Президенти Илоҳ Каримовнинг маърузаси асарни тақди-мотини шарҳлар экан, Қатарнинг «ал-Ватан» газетаси ушбу китобда бу-тун инсониятнинг бебаҳо хазинаси бўлган маънавий-ахлоқий қадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамия-ти чуқур очиб берилганлигини таъ-кидлайди. Унда мустақиллик, маъна-вий юксалиш, ахлоқий тарбия, ижти-моий тараққийёт ва ҳаётнинг барча жаҳаларини кенг қўламли ислоҳ этишга доир масалалар атрофича таҳлил қилинган.

«Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон халқи 70 йил мобайнида маҳрум бўлган диний маросимлар ва анъаналарни эркин адо этиш имкони-ятига, масжидларда тоат-ибодат қилиш, ислом динининг муқаддас ша-ҳарларига бориш, ҳаж амалларини адо қилишга эришди. Мустақиллик йилла-рида мамлакатда икки мингга яқин масжид барпо этилди», дея яқунла-нади мақола.

«Жаҳон» АА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг очилиш мароси-мида сўзга чиққан Пахта бўйи-ча халқаро маслаҳат қўмитаси-нинг бошқарувчи директори А. Гитчунс, «Cotton Outlook» халқ-қаро агентлиги бош муҳаррири Р. Батлер, Хитой пахта уюшма-сининг сақлаш ва логистика бўлими президенти Х. Ванг, Дубай пахта маркази директо-ри К. Рамамури (Бирлашган Араб Амириклари), Япониянинг «Иточу Корпорейшн» компания-сининг тўқимачилик департа-менти бош менежери С. Аюми, «Cotton Bangladesh» халқаро агентлигининг бош муҳаррири К. Ахсан ва бошқалар ана шу ютуқларни эътироф этиб, Ўзбе-кистон — нафақат сифатли пахта етиштириладиган, балки хом ашёни қафолатли равишда ет-казиб берадиган ишончли ҳам-кор эканлигини, бу эса халқаро алоқаларнинг муттасил ривож-ланишида муҳим омил бўлаёт-ганини алоҳида таъкидладилар.

Хорижий харидорларга маҳ-сулот етказиб бериш, сертифи-катлаштириш, омборда сақлаш, суурталаш ва логистика тизи-мини ривожлантиришга йўналти-рилган мавжуд инфратузилмани такомиллаштириш соҳада изчил олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бу борадаги иш-ларнинг юксак самараси сифа-тида миллий сертификатлашти-ришга жаҳон амалиётида қўлла-нилаётган HVI тизими жорий этилгани, «Ўзмарказимпэк», «Ўз-интеримпэк» ва «Ўзпроммашим-пэк» сингари ташки савадо ком-паниялари замонавий олди-сот-ди усулларидан кенг фойдала-ниш, маҳсулотни ўз вақтида ет-казиб бериш борасида барча шарт-шароитларга эгаллиги, шу-нингдек, 410 минг тонна тола-ни сақлаш имкониятига эга 23 та иختисослаштирилган пахта тер-минали ва 6 та бўш омбор фао-лияти яхши йўлга қўйилганини келтириш қиёфа.

# ЎЗБЕК ПАХТАСИНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ



Тадбир жараёнида хорижий ҳамкорларга нафақат давра суҳ-батларида иштирок этиш, бал-ки мамлакатимизда пахтачилик тармоғининг ривожланиш стра-тегияси билан ақнидан тани-шиш, энг асосийси, ярмарка ва биржа савдоларида қатнашиб, пахта толаси етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартно-малар тузиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш берилгани барчани хушнуд этаётди. Бу пахтани қайта ишлаш ва сотиш тизими яхши ривожланган мам-лакатлар билан алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш, маҳсулот экспорт бўйича қўшимча бо-зорлар очишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ярмарка қатнашчилари кун-нинг иккинчи ярмида пойтахти-миздаги «Ўзэкспомарказ» маж-мусида намойиш этилаётган пахта толалари билан таниши-дилар. Бу ерда шу йил ишлаб чиқарилган пахта толасининг

1200 дан ортиқ юқори синфга мансуб намуналари намойиш этилмоқда. Истеъмолчилар шу ернинг ўзида танлаган маҳсу-лотлари бўйича шартномалар тузиш, уни транспортда таш-шиш, энг асосийси, ярмарка ва биржа савдоларида қатнашиб, пахта толаси етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартно-малар тузиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш берилгани барчани хушнуд этаётди. Бу пахтани қайта ишлаш ва сотиш тизими яхши ривожланган мам-лакатлар билан алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш, маҳсулот экспорт бўйича қўшимча бо-зорлар очишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ярмарка қатнашчилари кун-нинг иккинчи ярмида пойтахти-миздаги «Ўзэкспомарказ» маж-мусида намойиш этилаётган пахта толалари билан таниши-дилар. Бу ерда шу йил ишлаб чиқарилган пахта толасининг

Халқаро Ўзбекистон пахта ярмар-каси биз учун самарали бўлди: 2 минг тонна хом ашё ҳақида бўйича шартнома имзолашга эришган эдик. Бу йил Ташкентга келишдан аввал бу кўрсаткичи икки баробарга оширишни режалаштириб олганмиз.

Ярмарканинг яна бир аҳамия-тли жиҳати шундаки, унинг доирасида республикамизнинг етакчи тўқимачилик корхона-лари маҳсулотлари кўرғазма-сав-досининг ташкил этилганидир. Кўрғазма залларини айланар экансиз, ўз стендларида пахта толасини бирламчи қайта ишлашдан тортиб, то тайёр маҳсулот кўринишига келгунга қадар бўлган жараёни қамраб олганига амин бўласиз. Хари-дорлар тақлиф этилаётган маҳ-сулотлар билан батафсил тани-шиш, ўзларига манзур маҳсулот бўйича катта ҳажмида шартно-малар имзолашлари ҳам мумкин. — Корхонамиз цехлари энг

замонавий технологик ускуна-лар билан жиҳозланган, — дей-ди Бухородаги «Peshko'teks» кор-хонаси вакили Анвар Муҳимов. — Улар ёрдамида ойига ташқи бозорда харидориг бўлган 270 тонна калава ип ва 40 минг погонметр газлама ишлаб чи-қарилаётди. Маҳсулотимизнинг асосий қисми экспорт қилина-ётгани ишлаб чиқариш ҳажми-ни муттасил оширишга асос бў-ляпти. Ярмарка эса янги ҳамкорлар топишда қулай им-кониятни яратиш берди. Унинг биринчи иш кунинда 20 дан ортиқ чет эллик буюртмачилар билан келишувларга эришгани-миз бунга мисол бўла олади.

Умуман, иштирокчиларнинг қай бири билан суҳбатлашганим, улардан ана шундай илиқ фикр-ларни эшитасиз. Шу босиб яр-марка доирасида тўқимачилик маҳсулотларининг экспорти бўйича 500 миллион АҚШ дол-ларлик битимлар имзоланиши кутилапти.

Кўриниб турибдики, томон-лар учун яратилган қулай шарт-шароитлар Ўзбекистонлик иш-лаб чиқарувчилар билан хари-дорлар ўртасида иқтисодий ри-вобатларнинг такомиллашу-вига, бинобарин, VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси-нинг жаҳон пахта бозорига энг муҳим воқеа бўлиб қолишига хизмат қилиши мумкин.

VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг очилиш мароси-мида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

Самд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири, Бахтиёр АҚРАМОВ олган суратлар.

Халқимизда «Ўт балосидан асрасин», деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган. Чунки турли офатлар ичида ёнғин энг хавфлиларидан саналади. Кичик бир чўғдан чиққан тилсиз ёв қисқа фурсат ичида кўп нарсани кулга айлантириши, ҳатто инсон ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Бунга дунёда рўй бераётган ёнғинлар ва уларнинг янгили оқибатлари аччиқ мисолдир. Масалан, яқинда Россия ва Европанинг қатор мамлакатларида содир бўлган ўрмон ёнғинлари ҳамда улар келтирган катта талафотлар ёнғин хавфи қўламининг нақадар катталигини, табиат ва инсониятга нечоғли зарарлигини кўрсатди.

## ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Кейинги йилларда мамлакатим-мизда ҳам ёнғин хавфсизлиги бўйича олиб борилаётган изчил ҳаракатлар ва амалга оширила-ётган тадбирлар натижасида ёнғин таҳдидлари ҳамда улар-нинг оқибатларини бирмунча ка-майитиришга эришилмоқда. Хусу-сан, амалга оширилаётган савий-харакатлар натижасида 2009 йилда 2008 йилдагига нисбатан ёнғинлар содир бўлиши 1,3 фо-изга камайган. Бироқ 2009 йил давомида юз берган ёнғинлар оқибатига халқ ҳўжалигига ет-казган зарар миқдор 4 милли-ард 302 миллион сўмдан ортиб кетди. Яъни ўтган йили республи-камиз бўйича жами турли да-ражадаги 14541 ёнғин содир бў-лиди. Ушбу статистик маълум-отлар ёнғинлардан келаётган зарар қўламининг салмоғи юқори эканлиги ҳар биримизни хушёр-

ликка, бу масалага жиддий эъти-бор беришга қўлайди. Эндилқда республикамизда ёнғин хавфсизлиги тизимининг моддий-техник базасини муста-камлаш, унинг фаолият қўламини кенгайтириш ва кучайтириш мақсадида мазкур соҳа-нинг қонун-чилик асоси яратилди. Хусусан, 2009 йилнинг сентябрь ойида қучга кирган Ўзбекистон Респу-бликасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун инсон меҳ-нати билан яратилган моддий ва маънавий бойликларни асраш ҳамда муҳофазаланиш ҳуқуқи асосини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, ушбу ҳуж-жат ёнғиннинг олдини олишда ташкилотлар, ҳўжалик ва корхо-на жамоаларида бўлгани каби ўзини ўзи бошқариш органлари

ва фуқаролик жамияти ташкилот-лари ҳам масъулиятли вазифа-ларни юклайди. Маълумки, республика ИИВ Давлат ёнғин хавфсизлиги хиз-мати ёнғинга олиб келадиган ҳолатларни бартараф этиш бўйи-ча кўп йил-лардан буён амал қилиб келаётган қонунчилик ҳужжатла-ри асосида иш олиб борган эди. Янги қабул қилинган ушбу Қонун моддий-маънавий бойликларни қадрлаш ҳамда муҳофаза қилиш масъулиятини кучайтириш билан бирга, ёнғин хавфсизлиги тизи-мининг имкониятлари ва сало-ҳиятини янада кенгайтди.

Айни пайтда амал қилаётган мазкур Қонун ёнғин хавфсизли-гини таъминлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий асосларини белгилаш билан бирга, давлат

органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идорала-ри, шунингдек, мулкчилик ша-к-лидан қатъи назар, юридик шахслар, жамоат бирлашмала-ри, мамлакатимиз ва чет эл фу-қаролари ўртасида соҳага таал-луқли ягона умумий муносабат-ларни тартибга солди. Яъни ҳар бир фуқарога, ва ташкилотга ёнғин хавфсизлиги учун жавоб-гарлик масъулияти юкланди. Эндилқда ушбу Қонун ёнғиннинг олдини олиш ва ёнғин хавфсиз-лигини таъминлаш фақат давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг вазифаси эмас, балки жамоия-ти аъзоларининг фуқаролик бурчи эканлигини кўрсатувчи муҳим ҳужжатдир.

Муҳтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда барча жаҳза-ларда амалга оширилаётган исо-лохотларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда қонунларнинг ўрни ва аҳамияти беқийсдир. Қабул қилинган ҳуқуқий мажму-аларнинг амалда қўлланиши эса кўплаб долзарб масалалар ечи-мини хал қилмоқда. Шу маъно-да, юқорида қайд этилган Қонун ёнғинлар хавфининг кескин ка-майишида муҳим дастуриятлар бўлиб хизмат қилади.

М. МУҲАММАДИЕВ, Олий Махкамаси Қонунчилик палатаси Мудофаси ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Павел МАЙОРОВ, «FCA Comexim» компанияси савдо директори (Россия). Компаниямиз Ўзбекистонлик шериклар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ушбу ярмаркада иштирок этаётган хорижий тадбиркорлар сони тобора қўлаётгани юртингизда етиштирила-ётган пахтага талаб ошиб

## ДОВРУҒИ БАЛАНД, СИФАТИ ЮҚОРИ

бораётганидан далолатди-р. Жаҳон бозорига Ўзбек пахтасининг мавқеи жуда баланд. Шу босиб у гоят харидорлар. Россияда қайта ишланадиган пахта-нинг ярмидан кўпи Ўзбе-кистондан келтирилади. Шунинг алоҳида таъкид-лашни истардимки, мам-лакатимизда пахтачилик соҳасини мунтазам тақо-миллаштириш боришга, ишлаб чиқаришни модер-низация қилишга, селек-ция ишларини тўғри йўлга қўйишга, сифатли ва ра-қобатбардор пахта тола-си тайёрлашга қаратила-ётган доимий эътибордан ибрат оلسа, арзийди.

Миян Азхар Салим ВОХРА, «Tanveer Spinning & Weaving» компанияси раиси (Покстон). Сифати халқаро талабларга тўла жавоб бер-гани босиб биз, асосан, Ўзбек пахтасининг фойда-ланиб келамиз. Ушбу ан-жуман пахта етказиб бе-рувчилар ва харидорлар-нинг ҳамжиҳатлигини яна-да мустаҳкамлаш, ўзаро фойдаланиш муносабатларини кенг йўлга қўйишга хизмат қилади.

Ўзбекистон пахтаси сифат жиҳатидан жаҳонда энг юқори ўринларда тура-ди. Сўнгги йилларда Ўзбек пахта толасининг сертификация даражаси сезиларли равишда оша-гани алоҳида таъкидла-моқчимиз.

ЎЗА мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Мадина УМАРОВА ёзиб олди.

Стандартлар умумжаҳон тараққийотининг самарали воситаларидир. Янги стандартлар — янги имкониятлардир. Маҳсулотлар ва хизматларни жаҳон стандартлари талаб-лари даражаси етказиш — Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб бизнинг мамлакатимизда ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим мезонла-рига айланади.

Мухбиримизнинг «Ўзстандарт» агентлиги бошқарма бошлиғи Жавлонбек КАТТАХУЖАЕВ билан суҳбати стандартлар ва стандартлаштириш масалаларига бағишланди.

— Газетхонларимизга, аввало, «стандартлаштириш» деган тушундирма мазмун-моҳиятини изоҳлаб берсангиз...

— Стандартлаштириш — маҳсу-лот ва хизматларга нисбатан умумий ва кўп марталиб фойдалани-ладиган қоидаларни белгилаш ор-қали маълум соҳада энг мақбул даражадаги тартиблаштиришни жорий этишдир. Стандарт-лаштиришдан мақсад — маҳсулот ва хизматларнинг хавфсизлигини, рақобатбардорлигини таъминлаш, тараққийот, истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдир.

— Мамлакатимизда стан-дартлаштириш хизмати ва унинг қонуний негизларини яратиш ҳамда ривожлантириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? — Президентимиз раҳнамоллиги-да Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 мартда қабул қилинган «Ўзбе-кистон Республикасида стан-дарт-лаш ишларини ташкил этиш тўғри-

Амалдаги қонунчиликка биноан, стандартлаштириш бўйича ишлар мамлакатимизда «Ўзстандарт» агент-лигидан ташқари, Соғлиқни сақлаш ва Мудофаси вазириликлари, «Давар-хитектурилиш» қўмитаси ҳамда

Давлат табиати муҳофиза қилиш қўмитаси томонидан, соҳалар бўй-ича амалга оширилди. Агентлиги-миз кўмағида ўтган йили Халқ таъ-лими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазириликларидида таълим со-ҳасидаги стандартларни ишлаб чи-қиш билан шуғулланадиган техник қўмиталар ташкил этилди. Мамла-катимиз таълим тизимини жаҳон-нинг илғор андозалари даражаси-да юксалтиришда муҳим мазмун-моҳиятли ислохотлар олиб бори-лаётган ҳозирги даврда таълим стандартларини юқори талаблар асосида такомиллаштириш бориш муҳим ўрин тутади. Демак, юқори-даги техник қўмиталар олдида ҳам жиддий вазифалар турибди.

никавий сиёсатини шакллантира-ди ҳамда амалга оширади, соҳа-га оид меъёрий ҳужжатлар маж-бурий талабларнинг бажарили-ши устидан давлат назорати ва текширувини олиб боради, халқ-

аро ташкилотлар фаолиятида иш-тирок этади, уларнинг меъёрий ҳужжатларини республикада амалиётга киритиш қоидаларини ишлаб чиқади. «Ўзстандарт» агентлиги кўплаб хорижий мамлакатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан манфаатли алоқалар ўрнатган. Масалан, МДҲга аъзо давлатлар билан Давлатлараро кенгаш (ДАК) тузилган. Агентлигимиз 1994 йил-нинг 1 январидан стандартлашти-риш бўйича халқаро ISO ташки-лотининг ҳақиқий аъзосидир. Маз-кур ташкилот орқали «Ўзстандарт» агентлиги мунтазам равишда хал-қаро стандартларни олиб тури-бди. Чунончи, 2010 йилнинг бирин-

дартлар, 19669 та давлатлараро стандартлар, 8227 та хорижий давлатларнинг миллий стандарт-лари, 1100 та ўз миллий давлат стандартларини, 157 та тармоқ стандартлари, 313 та корхоналар стандартлари, 4120 та техник шартлар сақланмоқда.

— Фонддаги мана шу стан-дартларнинг мамлакатимиз иқтисодий ривожланишидаги аҳамиятини аниқ далил билан тушунтириб беролмайсизми? — Масалан, биронта тадбиркор нафақат ички бозорни, балки эк-спортга чиқаришни ҳам мўлжаллаб пиллоқ ёки қолбаса маҳсулотни иш-лаб чиқарадиган цех очинишга аҳд қилди, дейлик. Биз тадбиркорга халқаро микёсда обу-этибор толган хорижий давлатларнинг (масалан, Голландиянинг) шу со-ҳага доир миллий стандартларини тавсия этамиш. У эса мана шу тав-сиялар асосида ўз ишини бошлаш-га киришди. Юқорида айтиш ўт-ганимиздек, агентлик фондида

**Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг қайси тармоғига назар ташламайлик, янгиланиш ва юксалишларга гувоҳ бўламиз. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда иқтисодий ўсиш 8,0 фоизни ташкил қилгани, sanoat маҳсулотлари ҳажми 8,0 фоиз, қишлоқ хўжалиги 6,9 фоиз, қурилиш ишлари 11,5 фоиз, чакана савдо 10,3 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,0 фоиз ўсгани, товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми 14,3 фоизга ошгани бунинг ёрқин далилидир.**

Бундай ижобий кўрсаткичларга эришишда, албатта, Юртбошимиз ташаббуси билан Истиклол йилларида барпо этилган ва Марказий Осиёда ягона бўлган Қўнғирот сода заводи жамоасининг ҳам муносиб хиссаси бор.

Маълумки, Президентимизнинг 2006 йил 15 сентябрдаги «Қўнғирот сода заводининг ишга туширилиши тўғрисида»ги қарори асосида бу ерда каустик, кальцийлаштирилган сода, озик-овқат содаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани кўпга соҳаларни зарур хом ашё билан таъминлаш, деразабоп ва бошқа турдаги ойналарни ишлаб чиқариш имконини берди. Агар илгари ана шу хом ашё четдан келтирилгани ҳисобга олинса, импортни қисқартириш эвазига йилга камида 31 миллион АҚШ доллари иқтисод қилинганни аён бўлади. Гап шундаки, биргина кальцийлаштирилган сода шиша ва шиша идишлар, ювиш ва тозалаш воситалари, қозғ-картон ишлаб чиқариш, рангли металлургия ва энгил саноатда кенг қўлланилади.

Маълумот учун шунини айтиш керакки, кальцийлаштирилган сода табиий хом ашёлар асосида ва синтетик йўл билан ишлаб чиқарилади. Табиий усулда олинган, айниқса, дунё бозорига юқори баҳоланади. Мана шундай табиий хом ашё захирасига эга давлатлар дунёда саноклидир. Уларнинг орасида авваллари Канада, Мексика, АҚШ, Бразилия, Боливия, Венесуэла, Ботсвана, Кения, Чад, Эфиопия, Нигер, Танзания, Уганда, ЖАР, Хитой, Хиндистон, Покистон сингари давлатлар бўлган бўлса, эндиликда бу сафга Ўзбекистон ҳам қўшилгани қувонардир.

Этиборлиси, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида хорижий мамлакатларнинг аксариятида кальцийлаштирилган сода тайёрлаш ҳажми сезиларли даражада камайди. Бизда эса, аксинча, бу борадаги кўрсаткич ўсди. Эйтибор ва яратилган шарт-шароитлар таназзул даврида ҳам муваффақиятлар чўғини айна тобида ушлаб туришга имконият яратди-да.

Бўлган ички эҳтиёжи қопланаётган, демакдир. Янада аниқроқ қилиб айтганда, асосий истеъмолчиларимиз — «Кварц», «Газалкент-ойна», «Фарм Гласс» акциядорлик жамиятлари, «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзнефтгаз» ва «Ўзкимёсаноат» компаниялари корхоналарининг буюртмалари бекаму кўст амалга оширилмоқда. Айни чоғда экс-



тубдан таркибий ўзгариш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мулақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация

шинуларда ташиб келтирилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, бу конларнинг захираси корхона эҳтиёжини юз йилдан ортиқ вақтгача қоплаши баробарида, яқин келажақда янада кенгайди.

тайёрлаш, институт талабаларига илгор технологияларни ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш масалаларини бевосита ишлаб чиқаришда ўрганиш имконини берадиган ўқув жараёнини ташкил этиш, технология жараёни самарадорлигини оширишда институтнинг илмий-педагогик салоҳиятидан ва заводнинг етакчи амалиётчи мутахассислари тажрибасидан унумли фойдаланиш имконини берадиган олий таълим фанининг ишлаб чиқариш билан мустақам интеграциясини ривожлантириш, мазкур бўлимнинг асосий мақсадидир. Шу асосда ўтган даврда корхона олий ва ўрта махсус, касб-хунар маълумотига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан таъминланди. Уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

# САҲРО БАҒРИДАГИ ЖАВОҲИР



Қўнғирот сода заводи, таъбир жоиз бўлса, ишлаб чиқариш хусусиятлари жиҳатидан ҳам ўта ноёбдир. Бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми 2006 йилнинг 5 ойида 12810 тонна, 2007 йилда 46653 тонна, 2008 йилда 71031 тонна, 2009 йилда 76762 тоннага етгани бунинг ёрқин далилидир. Жорий йилда эса Маҳаллийлаштириш дастури асосида 90000 тонна маҳсулот тайёрлаш режалаштирилган.

Ўтган саккиз ой якуналарига кўра, 57632 тонна кальцийлаштирилган сода қайта ишланди, — дейди корхона бош директори вази фасини бажарувчи, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абат Рамбергенов. — Бу республикамизнинг кальцийлаштирилган содага

порта ҳам алоҳида эътибор қаратилмаётган. Жумладан, бир қатор хорижий компаниялар билан имзоланган шартномаларга кўра, жорий йилнинг ўзига МДХ давлатларига 13250 тонна кальцийлаштирилган сода етказиб берилди.

Завод жамоаси эса бизнесдаги бундай намунавий фаолияти ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаргани учун халқор «Олтин ягуар» мукофотига сазовор бўлди.

Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, «Бизнинг кейинги йилларда экспорт соҳасида кўлга киритган ютуқларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини

қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларимизнинг натижасидир».

Бунда, табиийки, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш» уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чоратadbирлари дастури тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мухими, ана шу ҳужжатдан келиб чиқиб, хом ашё ва қувват манбаларини тежаш бўйича муайян тadbирларнинг амалга оширилиши натижасида тайёр маҳсулот нархи 2009 йилда 17,9, 2010 йилнинг дастлабки саккиз ойида 9,8 фоизгача пасайтирилди.

Юқори сифат кўрсаткичларига эришишда, биринчи гада, маҳаллий хом ашёларнинг ишлатилиши асосий роль ўйнамоқда. Хусусан, натрий хлор (туз) ва натрий карбонат (оҳактош) «Борса келмас» ҳамда «Жоман-сой» конларидан автома-

Заводда замонавий автоматлаштирилган бошқарув тизими жорий қилинган бўлиб, жараёнда дунёга машҳур фирмалар — «Honeywell» ва «Siemens»нинг сўнгги авлод компьютерлари хизматидан фойдаланилади. Бу эса, ўз навбатида, ишчи-ходимлардан юқори малака, профессионаллиқни талаб этади.

Ушбу йўналишда ҳам жамоада хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Мабалан, Президентимизнинг 2005 йил 13 апрелдаги «Қўнғирот сода заводи учун кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига кўра, Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртки бўлими ташкил этилди. Заводнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларига мувофиқ, юқори малакали муҳандис-техник ходимларни мақсадли

## Жараён



## Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларини «ZiyoNET» ахборот ташкил тармоғи доирасида Интернет тармоғига улаш бўйича тендер эълон қилинмоқда.

Тендерда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, эксплуатация қилиш ва маълумот узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига (лицензияга) эга бўлган ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Тендерда қатнашиш аризаларини қабул қилиш — 2010 йил 14 октябрь соат 9.00 да бошланади.

Тендерда қатнашиш аризалари қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2010 йил 15 ноябрь соат 17.00.

Тендер ишчи органи — «UZINFOCOM» ДУК қошидаги «ZiyoNET» ахборот-ресурс маркази. Ариза шакли, тендер ҳужжатлари ва тендер таклифлари куйидаги манзилга жўнатилади: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-«Б» уй, «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 238-42-32, 238-42-41, 238-42-36.  
E-mail: ziyonet@uzinfocom.uz

Тендер ҳужжатларининг нархи — 500 (беш юз) минг сўм.

Тендер таклифларини топшириш учун тўланиши шарт бўлган зақалат миқдори:  
- 1-лотда (олий таълим муассасаларини улаш бўйича) иштирок этиш — 1 350 000 (бир миллион уч юз эллик минг) сўм;  
- 2-лотда (илмий тадқиқот институтларини улаш бўйича) иштирок этиш — 650 000 (олти юз эллик минг) сўм.

Дарҳақиқат, Қорақалпоғистон заминида жойлашган сода заводининг истиқболи порлоқ. Сабаби, яқин йилларда бу ерда россиялик мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш жараёналаридан қолган қаттиқ чиқиндиларга ишлов берилиб, йилга 100 минг тонна минерал кукун ва 5 млн. донна силикат гишт ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Шу мақсад рўёбга чиқса, қўшимча равишда 75 нафар киши иш билан таъминланади.

Бугунги кунда эса жамоа аҳли мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиёти ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида хизмат қилаётгани қалбларни фахру ифтихорга тўлдирмоқда.

Х. ШАМШИЕВА,  
С. МАХСУМОВ.

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Кўчки оқибати

Индонезияда юз берган кўчки оқибатида ўн киши қурбон бўлди.

Яна шунча одам тан жароҳати олди. Кўнгилсизлик мамлакатнинг Марказий Сулавеси музофотида юз берган. Манбада келтирилишича, халок бўлган ва жабрланганлар пальма ёғини қайта ишловчи маҳаллий компания ходимлари экан.

Сўнгги пайтларда Индонезияда бундай табиий офатлар жуда кўп кузатилмоқда. Бунга тропик ўрмонлардаги дарахтларни кесиш ҳажми ҳаддан зиёд ортиб кетгани сабаб қилиб кўрсатилаётган. Чунки шу орқали туپроқ емирилиши ҳоллари вуҷудга келаётган.

### Самолёт ҳалокатга учради

Афғонистоннинг Кобул шаҳри яқинидаги Пули-Чархи туманида юк самолёти ҳалокатга учради.

Натижада унинг бортида бўлган етти киши ҳаётдан қўз юмди. Хозирча ҳалокат сабабларига оидлик кiritилгани йўқ. Гувоҳларнинг сўзларига кўра, самолёт қулашдан олдин ёна бошлаган.

Воқеа юз берган туман тоғли худуд ҳисобланади. Шу боис лайнер қолдиқларини излаб топишга бир оз



фуркат керак бўлиши айтилмоқда.

### Кончиларни қутқариш бошланди

Чилида қарийб икки ойдан ортироқ вақт мобайнида ер остида қолиб кетган 33 нафар кончиларни қутқариш ишлари бошланди.

Бунинг учун махсус кудўқ қазилди. Эндиликда мазкур йўл орқали кончилар ер юзига битта-биттадан олиб чиқилмоқда. 13 октябрь кунин улардан ўн нафари қутқарилган.

Чили шимолида жойлашган ушбу қонда 5 август кунин кўчки содир бўлган. Натижада чикши йўллари беркилиб қолиб, ишчилар 700 метр чуқурликда қолиб кетганди. Улар шу вақтгача барча зарурий воситалар билан таъминлаб турилган.

### Мавқеини мустаҳкамлайди

АҚШнинг «Pfizer» фармацевтика концерни «King Pharmaceuticals» компанияси акцияларини сотиб олишини маълум қилди.

Мазкур харид учун «Pfizer» 3,6 миллиард АҚШ доллари сарфлагани режалаштирган. Шартнома шартларига асосан, харидор 2011 йилнинг биринчи чорағи якунига қадар маблағни тўлиқ тўлаб бериши лозим.

Кузатувчиларнинг изох-лашича, ушбу келишувнинг амалга ошиши «Pfizer»нинг фармацевтика бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлайди. Сабаби, «King Pharmaceuticals» томонидан ишлаб чиқарилаётган оғриқ қолдирувчи дори-дармонларга талаб катта.

### Жазавага тушган «Паула»

Атлантика океанида пайдо бўлган «Паула» тўфони кучайиб бормоқда.

Бунинг оқибатида Куба ғарбида кучли ёғингарчилик ва сув тошқинлари содир бўлиш хавфи юзага келган. Куба метеорология институтининг об-хавони олдиндан айтиш миллий маркази томонидан маълум қилинишича, табиий офат ҳозир мамлакат жануби-ғарбий соҳилларидан 235 километр узоқликда шимол томон ҳаракатланмоқда. Унинг тезлиги соатига 15 километрни ташкил этаётган. Бундан ташқари, тўфон Мексика жануби-шарқиди ҳам жиддий талафотларга сабаб бўлиши мумкин.

«Паула» кейинги пайтда Атлантика океанида пайдо бўлган ўн олтинчи тўфондир.

### Мактабдаги кўнгилсизлик

Хитойнинг Гуйчжоу музофотидаги мактаблардан бирида кўнгилсиз воқеа содир бўлди.

Гап шундаки, таълим муассасасига қарашли спорт залининг баландлиги 2,5 метр, узунлиги 30 метр бўлган девори ағанаб кетган ва машгулотлардан сўнг дам олиб ўтирган ўқувчи

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

# ОНА ТИЛИМ — ФАХРИМ, ФУРУРИМ

Жиззах шаҳридаги «Умид» иқтидорли ўқувчилар мактаб-интернатда 21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кунга бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, бундан 21 йил олдин «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани она тилимизнинг жамиятдаги мавқеини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

**21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кун**

Ўқувчиларнинг тил ўрганишга бўлган қизиқишини янада кучайтиришга йўналтирилган маънавий-маърифий тадбирларга алоҳида аҳамият берилмоқда. «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани она тилимизнинг жамиятдаги мавқеини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Жиззахлик таниқли ижодкорлар иштирокида ўтган тадбирда шулар хусусида сўз юритилиб, ўзбек тилининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи ҳақида кизиқарли маърузалар тингланди.

Ўзбек, рус, инглиз, немис ва араб тилларини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган ушбу мактаб-интернатда 750 нафардан зиёд иқтидорли ўқувчи таълим олмақда. Улар орасида фан олимпиадаларида, турли интеллектуал танловларда юқори ўринларни эгаллаб, чуқур билим ва истеъдодини намойиш этаётган ўғил-қизлар сафи кенгайиб бораётди.

Ўқувчи-ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш, тил ҳақидаги билим ва дунёқарашини янада кенгайтириш мақсадида таъкил этилган тадбир шевҳонликка уланиб кетди.

Жиззах вилоятидаги барча мактабларда, касб-хунара коллежларида «Она тилим — жону дилим», «Тил — маънавият кўзгуси» каби мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

**Т. БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири.**

## Телекўрсатувлар қамрови кенгайди

Китоб туманидаги «Тахтаи қорача» телестанциясида янги телеузатгич қурилмаси ишга туширилди. Натижада «Кулайлик» айрим ҳудудларида «Ўзбекистон», «Ёшлар», «Спорт» ва «НТТ» телеканаллари ҳамда вилоят телевидениесини трансляция қилиш сифати тубдан яхшиланди. Янги қурилма ишга тушириш учун 82 миллион сўм сарфланди.

**Кулайлик**

**А. МУХАММАДИЕВ.**

Бугун халқаро спорт майдонларида улкан муваффақиятларни қўлга киритиб, Ватанимиз довуруғини дунёга танитишга катта ҳисса қўшаётган ёшларимиз кўплаб топилди. Барчамизга чексиз гурур бағишлайдиган бундай натижалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида

жисмоний тарбия ва спорт, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалий самараларидир. Айтиш жоизки, етишиб чиқаётган иқтидор эгалари, чемпионлар орасида навойийлик ўғил-қизлар ҳам бор.

# ИҚТИДОРЛИЛАР САФИ ОРТМОҚДА

— Ҳозир ўн уч ёшдаман. Етти йилдан бери кураш билан шуғулланиб келаман, — дейди улардан бири Муҳаммадали Норов. — Шу ўтган давр мобайнида халқаро турнирлар, мамлакат биринчиликларида иштирок этиб, ўзимга билдирилган ишончини оқлашга интиляяпман. Яратиб берилган бекиёс имкониятлар, замонавий шароитлар бизларни янги-янги марралар сари рағбатлантирмоқда.

Навойий шаҳридаги 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактаб-интернатининг директори, де-факто муболага бўлмайдиган Бу ерда ёшларнинг кураш, эркин кураш, футбол, баскетбол, армрестлинг, аэробика, енгил атлетика, бадий гимнастика каби спорт турларидан маҳоратларини оширишлари учун

барча шарт-шароит мавжуд. Ушбу жиҳат таълим даргоҳи тарбияланувчиларининг турли мусобақаларда қўлга киритишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Жумладан, улар ўтган йили Гулистон шаҳрида ташкил этилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика финал босқичида вилоят тармақига киришди.

— Машгулотларнинг мунтазам ва аниқ тизим асосида олиб борилиши янги-янги иқтидор эгаларини кашф қилиш имконини бермоқда, — дейди мактаб мураббийларидан бири Мамадали Норов. — Курашни олиб кўрайлик. Ҳозир мактабимизда миллий спорт тури билан шуғулланаётганлар сони

## Болалар спорти

беш юз нафарга етди. Улар эришаётган муваффақиятларнинг хизмати катта бўлмоқда. 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде қизларни спортга кенг жалб қилиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлида олиб борилган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Ушбу мактаб билан бир қаторда 8, 10-умумтаълим муассасаларида йўлга қўйилган бадий гимнастика машгулотлари тобора оммавийлашмоқда. Уларда 750 нафар қиз нафис



Бердиев, Эркин Норов, Элдор Эшимов, Жўра Бобомуродов каби тажрибали мутахассисларнинг хизмати катта бўлмоқда. 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде қизларни спортга кенг жалб қилиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлида олиб борилган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Ушбу мактаб билан бир қаторда 8, 10-умумтаълим муассасаларида йўлга қўйилган бадий гимнастика машгулотлари тобора оммавийлашмоқда. Уларда 750 нафар қиз нафис спорт тури сирларини ўрганаётди. Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар замирида фарзандларимизни етук ва баркамол этиб тарбиялаш гоёси муҳассам, — дейди болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Шойим Хидиров. — Бундан ҳар бир ота-она, устоз ва мураббий, ёш авлод вақиллари чексиз гурурланади.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**  
**Бахтиёр АҚРАМОВ**  
олган сурат.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

## Бухорода нуфузли мусобақа

Бухоро шаҳридаги «Дилқушо» спорт мажмуасида бокс бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг таниқли «чарм қўлқоп» устаси Фазлиддин Уроқов хотирасига бағишлаб ташкил этилган мазкур аъёнана мусобақада 135 нафар ёш боксчи ўзаро куч синашди. Қизгин баҳслар остида кечган турнир якунига кўра, бухоролик Фаррух Файзиев,

наманганлик Қаҳрамон Ваҳобов, Фарғона вилояти вакили Ботиржон Нейматов сингари умидли боксчилар ўз вазн тоифалари бўйича голибликни қўлга киритди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ФИРИБГАРНИНГ ТУЗОФИ

Нафс қутқуси инсонни ҳамиша ҳалокатга етаклайди. Осон йўл билан мўмай даромад ортириш, бел оғритмай пул топиш илинжида турли қинғир ишларга қўл урган кимсаларнинг аянчи қисмати бунинг мисолидир. Айниқса, фирибгарлик, товламачилик, талончилик ортидан кун кечирингиз оқдатланган жиноятчи кимсалар ўз маҳалладошлари, ҳамшаҳарларини ёлғон ваъдалар билан тузоққа илинтириб, улар ҳисобидан чўнтак қаплайтираётганини эшитиб, ҳайратдан ёқа ушлайсан, киши.

Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси ахборот марказига ҳар кун келиб тушадиган маълумотлар орасида ана шундай ҳолатлар қайд этилган хабарларни ҳам тез-тез учратиш мумкин. Албатта, қинғир ишга қўл уриб, жиноят содир этаётган кимсалар, охир-оқибат, муқаррар қонуний жазага тортиладилар. Қолверса, бундай қаллобу фирибгарлар ўз қилмишлари учун эл-юрт, маҳалла-қўй, қариндош-уруғларни олдида мулазм бўлиши, табиий. Бироқ фирибгар тузоғига илиниб, чўв тушиб қолган инсонлар-чи? Уларнинг хатти-ҳаракатларини шунчаки соддалик, ишонувчанликка йўйиш тўғрими? Ахир бундай жабрдийда кишилар орасида қонунчилигимизга зид бўлган юмушларнинг пора, мўмай пул эвазига осонгина ҳал этилишига умид боғлаганлар қанча? Айримлар бисотини қаллобларга қўшқўлаб топшириб, алданиб қолганларидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга арз-шикоят қилиб чолиб юришини кўрсангиз. Ваҳоланки, улар аввал-бошдан тегишли идоралардан йўл-йўриқ, маслаҳат сўраб иш тутганларида, қоқилиб қолмасликларига шубҳасиз эди. Яна бир ажабланарли жиҳати, фирибгарларнинг алдовларига учган кимсалар орасида зиёлилар, эл-юрт ўртасида обрў-эътиборга эга кишилар ҳам борлигини кўриш мумкин.

## Огоҳлик

ҳовли-жой сотиб олиш учун эмас, балки Фарғона вилоятидаги уй-жойини мўмай пулга сотиш учун Гавҳар исмли аёлга 1000 АҚШ доллари миқдоридеги маблағни қўшқўлаб тузқазиб, қайтариб ололмагач, тегишли идораларга муурожаат қилишига тўғри келди. Маълумки, ҳозир мамлакатимизда нақд пулсиз хисоб-китоб тизими тобора оммавийлашиб бораётди. Шу боис бугун олди-сотди жараёнида пластик картчалардан кенг фойдаланилмоқда. Фирибгарлар бу қўлай усулдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишни ҳам ўзлаштириб олишди. Хатто кишлоқларда уйма-уй юриб, пластик картчалардаги маблағни нақд пулга айлантириб берадиган фирибгарлар гуруҳлари ҳам пайдо бўлиб қолди.

Оптириқлик Эътиборхон Тўхтасинова ана шундай «беминанат хизматчи»лардан жабр кўрганлардан биридир. У Умидда исмли аёлга 900 минг сўм маблағи бор пластик картчасини нақд пулга айлантириш учун тузқазди. Орадан анча вақт ўтди. На Умидадан, на пластик картчадан дарак бўлди. Фурқат туманилик Барно Эшматова, бешариқлик Уринбой Нишоннов ҳам ана шундай қуруқ ваъдаларга ишониб, чўв тушиб қолди. Афсуски, бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Дарҳақиқат, ишонувчанлик, соддалик, эътиборсизлик фирибгарлар тузоғи сари етакловчи омилдир. Шундай экан, эҳтиёткор ва зийрак бўлишни ҳеч қачон унутмайлик.

**Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО (14 октябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаги 2-7 даража илик, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади. **Бухоро ҳамда Навойий вилоятлари.** Ёгингарчилик қузатилмайди. Харорат тунда 4-9 даража илик, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади. **Қашқадарь ҳамда Сурхондарь вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаги 6-11 даража илик, кундузи

ёғиши мумкин. Кечаги 4-9 даража илик, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади. **Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ёгингарчилик қузатилмайди. Харорат тунда 4-9 даража илик, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади. **Қашқадарь ҳамда Сурхондарь вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаги 6-11 даража илик, кундузи

22-27 даража иссиқ бўлади. **Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Баъзи жойларда ёғири қутилмоқда. Тунда 4-9 даража илик, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади. **Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғири мумкин. Харорат тунда 5-7 даража илик, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади. **«Ўзгиромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

**ХАРИДОРЛАР ВА ТАЪМИНОТЧИЛАР ДИҚКАТИГА!**

# ШҮРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

**ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни таклиф этади:**

- **экологик хавфсиз, диаметри 25 мм.дан 630 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва уларни боғловчи деталлар;**
- **турли рангдаги, қурилишда безак ишлари учун фойдаланиладиган алюмин композит панеллари;**
- **деҳқончилик билан шуғулланувчи фермерлар учун томчилатиб суғориш тизимининг бутловчи қисмлари.**

*Тўлов шакли — турлича.*

Манзилимиз: 181300, Қашқадарь вилояти, Ғузур тумани, Шўртан кўрғони.  
Муурожаат учун телефонлар: (8-375) 221-02-27, 221-09-04, (+998 98) 777-01-40.  
Факс: (8-375) 780-85-51, 221-08-46.  
E-mail: marketing9@sgcc.uz, sgcc@sgcc.uz

ЦЕМЕНТ (шпц400 КД20) 188,1 ▲ +1,7 ЦЕМЕНТ (шпц400 Д20) 211,4 ▼ -1,4 АРМАТУРА 1320,0 ▼ -1365,0 ШИФЕР (1 лист) 14807 ▲ +266 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, **UZEX** сўзини **8383** га юборинг.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 39240 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибхона 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахриратта келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Топаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

1-Тижорат материал

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — М. Жоноҳонов.  
Навбатчи — З. Жоноҳонов.  
Мусахҳах — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақониси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10  
Тошпирилди — 23.50

12 9 4 5